



Loyiha

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИ**  
**Тенг муомала қилиш ва камситмаслик тўғрисида**  
**ID-53858 (V-1)**

**1-боб. Умумий қоидалар**

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикасида барча фуқароларнинг жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглигини таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Тенг муомала қилиш ва камситмаслик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари**

Тенг муомала қилиш ва камситмаслик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг тенг муомала қилиш ва камситмаслик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Ушбу Қонуннинг қўлланилиш соҳаси**

Тенг муомала қилиш ва камситмаслик билан боғлиқ муносабатлар махсус қонунлар билан тартибга солинган ҳолларда ушбу Қонуннинг нормалари татбиқ этилмайди.

**4-модда. Қонуннинг қўлланилишини истисно қилувчи ҳолатлар**

Ушбу Қонуннинг қоидалари қуйидаги муносабатларга нисбатан татбиқ этилмайди:

- 1) шахсий ва оилавий муносабатларга;
- 2) нодавлат нотижорат ташкилотларга аъзолик ва ишлаш тўғрисида қарор қабул қилишда, агар улар томонидан белгиланган тартиб оддий, қонуний ва оқилона бўлса;
- 3) чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ёхуд халқаро шартномасида назарда тутилган муомаладаги фарқлар мавжуд бўлганда;
- 4) процессуал қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинган муносабатларга;
- 5) муайян лавозимни эгаллаш ва фаолият билан шуғулланиш учун зарур малака тавсифлари ва касбий талабларни белгилаш асосида шахслар билан ишлашда фарқлар мавжуд

бўлиши талаб этилган ҳолатларда;

б) пенсияга чиқиш учун Қонунда назарда тутилган ёшга ва хизмат муддатига қўйилган талаблар мавжуд бўлганда;

7) қонунчилик ҳужжатларида етим болаларнинг, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг, алоҳида эҳтиёжга эга бўлган вояга етмаганлар, ёлғиз ота-оналар, кўп болали ва кам таъминланган оилаларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини алоҳида ҳимоя қилиш белгиланган тақдирда.

### **5-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда куйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**камситиш** – инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ёки жамоат ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг асосда тан олиниши, фойдаланилишининг йўқ қилиниши ёки камситиш мақсадида ирқи, терисининг ранги, миллий ва этник келиб чиқиш белгиларига асосланган ҳар қандай фарқлаш, четлаштириш, чеклаш ёхуд афзал кўриш;

**бевосита камситиш** – жамият ҳаётининг барча соҳаларида шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини тан олмасликка қаратилган ҳар қандай тарзда фарқлаш, истисно этиш ёки чеклаш, шу жумладан, фуқароларнинг ирқи, миллати, ижтимоий ҳолати, этник келиб чиқиши ва эътиқоди туфайли камситиш;

**билвосита камситиш** – сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ёки жамоат ҳаётининг барча соҳаларида тақиқлаш, шахсларни бошқаларига нисбатан ноқулай ҳолатга тушириб қўядиган вазиятларни, ҳолатларни ёки мезонларни яратиш, шунингдек муайян шахслар учун салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган ноқулай кўринишдаги шарт-шароитлар ёхуд талаблар белгилаш;

**кўп марта камситиш** – ушбу Қонунда назарда тутилган бир неча асослар бўйича бир вақтнинг ўзида амалга ошириладиган ҳолатлар мажмуи;

**тазйиқ** – содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилмаган, ҳар бир шахснинг шаъни ва қадр-қимматини камситадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик);

**камситишга ундаш** – шахсни кўндириш, алдаш ёки бошқа йўл билан ўзга шахсларни камситишга мажбур бўладиган ҳолатга солиб қўйиш;

**камситишга кўмаклашиш** – камситишни содир этишга ўз маслаҳатлари, кўрсатмалари билан ёрдам бериш ёки тўсиқларни йўқотиш билан кўмаклашиш, шунингдек, камситиш пайдо бўлишига қаратилган ҳаракат ёки ҳаракатсизликларни амалга оширишга олдиндан ваъда бериш.

### **6-модда. Тенг муомала қилиш ва камситмасликни таъминлашнинг асосий принциплари**

Тенг муомала қилиш ва камситмасликни таъминлашнинг асосий принциплари куйидагилардан иборат:

қонунийлик;

демократизм;

ирқ бўйича камситишга йўл қўймаслик;

барча шахсларга камситишдан ҳимоя қилиш ҳуқуқидан фойдаланиш учун тенг имкониятлар тақдим этиш;

очиклик ва шаффофлик.

#### **7-модда. Камситиш шакллари**

Камситиш шакллари куйидагилардан иборат:

бевосита камситиш;

билвосита камситиш;

кўп марта камситиш;

камситишга ундаш.

Камситишнинг оғирлаштирувчи шакллари куйидагилардан иборат:

инсон ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлган зўравонлик ишлатиш йўли билан боғлиқ камситиш;

оммавий ахборот воситалари орқали душманлик ва адоват уйғотиш мақсадида оммавий тарзда тарқатишга мўлжалланган камситиш;

бир гуруҳ шахсларга нисбатан тизимли камситиш.

#### **8-модда. Камситишни тақиқлаш**

Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг мансабдор шахслари, жисмоний ва юридик шахслар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари қонунчилик ҳужжатларида белгиланган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва таъминлашда мазкур Қонуннинг 4-моддасида назарда тутилганидан бошқа ҳар қандай камситиш шакллари қўлланилишини тақиқлашга мажбурдирлар.

Ҳеч ким камситишнинг бир ёки бир нечта тақиқланган белгиларини кўрсатадиган сўзларни нашр қилиш, тарқатиш, тарғиб қилишга ҳақли эмас.

### **2-боб. Тенг муомала қилиш ва камситмасликни таъминлаш соҳасини тартибга солиш**

#### **9-модда. Тенг муомала қилиш ва камситмасликни таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари**

Тенг муомала қилиш ва камситмасликни таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари куйидагилардан иборат:

тенг муомала қилиш ва камситмасликни таъминлаш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш ва такомиллаштириш;

тенг муомала қилиш ва камситмасликни таъминлаш соҳасида давлат дастурларини, миллий ҳаракатлар режаларини ва стратегияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

мамлакатдаги барча шахслар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар маданиятини шакллантириш;

инсон ҳуқуқлари бузилиши тўғрисидаги шикоятларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш учун давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш;

тенг муомала қилиш ва камситмасликка эришиш мақсадида миллий, минтақавий ва халқаро даражаларда самарали ҳамкорликни ривожлантириш.

**10-модда. Тенг муомала қилиш ва камситмасликни таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви**

Тенг муомала қилиш ва камситмасликни таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва давлат органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида амалга оширилади.

**11-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тенг муомала қилиш ва камситмасликни таъминлаш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

жамият ҳаётининг барча соҳаларида тенг муомала қилиш ва камситмасликни таъминлашга қаратилган ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

тенг муомала қилиш ва камситмасликни таъминлаш соҳасидаги давлат дастурлари, миллий ҳаракатлар режалари ва стратегияларнинг ишлаб чиқилиши, тасдиқланиши ҳамда уларни молиялаштириш учун зарур маблағлар ажратилишини ташкил этади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тенг муомала қилиш ва камситмасликни таъминлаш соҳасидаги ҳамкорлигини мувофиқлаштиради;

тенглик сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир вақтинчалик махсус чораларни белгилайди.

**12-модда. Давлат органларининг тенг муомала қилиш ва камситмасликни таъминлаш соҳасидаги ваколатлари**

Давлат органлари ўз ваколатлари доирасида:

тенг муомала қилиш ва камситмасликни таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсати амалга оширилишига кўмаклашиш;

тенг муомала қилиш ва камситмасликни таъминлаш соҳасидаги давлат дастурларини, миллий ҳаракатлар режаларини ва стратегияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

тенг муомала қилиш ва камситмасликни таъминлаш соҳасидаги вазиятнинг мониторингини ва таҳлилини ўтказиш, шунингдек, бевосита ёки билвосита камситиш ҳолатларини олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

тенг муомала қилиш ва камситмасликни таъминлаш соҳасида таълимга оид, ахборот-маърифий тадбирларни ўтказиш юзасидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик қилади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг тенг муомала қилиш ва камситмасликни таъминлаш масалаларига доир муурожаатларини қабул қилишни, кўриб чиқишни ва таҳлил қилишни амалга оширади ҳамда бузилган ҳуқуқларни тиклаш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўради;

давлат органлари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда

шахсларни камситувчи қоидалар мавжуд бўлган тақдирда, уларни бекор қилиш ёки ўзгартириш бўйича чоралар кўради;

тенг муомала қилиш ва камситмасликни таъминлаш ва бу борада халқаро стандартларга риоя этиш соҳасида халқаро ташкилотлар, хорижий мамлакатларнинг тегишли органлари билан ваколати доирасида ҳамкорликни амалга оширади.

**13-модда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат  
нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа  
институтларининг тенг муомала қилиш ва  
камситмасликни таъминлаш соҳасидаги иштироки**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва уларнинг лойиҳаларини тенг муомала қилиш ва камситмасликка қарши экспертизадан ўтказишда иштирок этади;

давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг меҳнат ва бандлик, таълим, соғлиқни сақлаш ва тиббий хизмат кўрсатиш соҳаларида камситишнинг намоён бўлишини аниқлаш, уй-жой, ер ва мулк, пенсия таъминоти, хизмат олиш, маданият ҳамда спорт соҳасида тенг имкониятларни таъминлашга қаратилган фаолияти устидан жамоатчилик мониторингини олиб боради;

камситишдан жабрланган шахслар учун ахборот-маърифий ва бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатади;

камситиш билан боғлиқ иш юритиш жараёнида давлат органлари, судлар ва бошқа ташкилотларда ўз аъзоларининг манфаатларини ҳимоя қилади;

ушбу Қонунда белгиланган камситишнинг мунтазам ва қўпол равишда бузилиши ҳолатлари юзасидан жамоатчилик муҳокамаларини ўтказди.

**3-боб. Ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда тенг муомала қилиш ва  
камситмаслик кафолатлари**

**14-модда. Тенг муомала қилиш ва камситмаслик бўйича имтиёзлар**

Барча фуқаролар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар имтиёзлардан фойдаланишда тенг ҳуқуқларга эга.

Имтиёзларни бериш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонунлари билан белгиланади.

**15-модда. Таълим соҳасида тенг муомала қилиш ва камситмасликни  
таъминлаш**

Таълим соҳасидаги давлат органлари ва таълим муассасалари мансабдор шахслари ҳамда таълим хизматларини кўрсатувчи бошқа субъектлар:

таълим муассасаларида ўқитувчилар ва маъмурий ходимлар ёки таълим олувчилар томонидан ҳар қандай даражадаги камситишнинг барча шакллари олдидан олиш бўйича чоралар кўриш;

таълим олувчиларнинг таълим муассасаларидан асоссиз равишда четлаштирилишининг олдини олиш;

ўқув дастурларига имкониятлар тенглиги бўйича дарс машғулотларини киритиш;

таълим олувчиларнинг муайян бир гуруҳга мансублигига асосланган имтиёз ёки чекловлар ўрнатилишига йўл қўймаслик;

таълим муассасаларига юқори малакали педагогларни тенг имкониятлар тамойили асосида ишга тайинлаш билан боғлиқ бўлган камситишга қарши кадрлар сиёсатини изчил амалга ошириш;

таълим олиш тўловлари, стипендия ва талабаларга ёрдам бериш билан боғлиқ қонунчилик ҳужжатлари билан асосланмаган фарқлар белгиланишига йўл қўймаслик;

ушбу Қонуннинг қоидаларини таълим муассасаларининг ички қоидаларида мустаҳкамлаш, педагог ва таълим олувчиларнинг камситишга йўл қўймаслик тўғрисида хабардорлигини таъминлаш;

камситиш тўғрисида шикоят келиб тушган тақдирда уни дарҳол текшириш, тугатиш чораларини кўрадилар.

#### **16-модда. Меҳнат соҳасида тенг муомала қилиш ва камситмасликни таъминлаш**

Меҳнат муносабатлари соҳасидаги камситишлардан ҳимояланиш учун иш берувчилар:

ходимларнинг меҳнати учун тенг шароитлар, имтиёзлар ҳамда имкониятлар яратиш;

Тенг меҳнат шароитлари ва бир хил ҳажмдаги иш учун тенг миқдорда ҳақ тўлашни таъминлаш;

иш жойларида таъқиб қилишни тақиқлаш ва олдини олиш;

ногиронлиги бўлган шахслар ва бошқа касалликка чалинган шахслар учун қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган меҳнат ҳуқуқларини амалга оширишда зарур шарт-шароитлар яратиш чораларини кўриш;

интизомий чораларни қўллаш ва ходимларни бажарилган ишлар учун рағбатлантириш соҳасида камситишга йўл қўймаслик, ҳар қандай шахс ёки шахслар гуруҳининг касаба уюшмаларига аъзо бўлиш ва улар томонидан тақдим этилаётган имтиёзлардан фойдаланиш ва меҳнат қонунчилигида белгиланган ҳуқуқларини таъминлашни амалга оширадилар.

Ишга кириш шартлари ва эркин касбларга эга бўлиш имкониятларига нисбатан камситишни амалга ошириш тақиқланади.

#### **17-модда. Жамоа шартномалари ва келишувларига камситишга йўл қўймаслик тўғрисидаги қоидаларни киритиш**

Қорхоналар, муассасалар ва ташкилотлар маъмурияти ўртасида ходимларнинг вакиллик органи билан тузиладиган жамоа шартномалари ва келишувларида маъмуриятнинг ходимларга нисбатан камситишга йўл қўймаслик тўғрисидаги мажбуриятлари ушбу Қонунда белгиланган асосларда қўлланилади, иш жойларида ишчиларни таъқиб қилиш тақиқланади.

#### **18-модда. Соғлиқни сақлаш ва тиббий хизмат кўрсатиш соҳасидаги камситишларга қарши курашиш**

Соғлиқни сақлаш органлари ва тиббиёт муассасалари:

соғлиқни сақлаш ва тиббий хизмат кўрсатиш соҳасида тенг имкониятларни таъминлаш ва камситишга йўл қўймасликда давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлаш;

ҳар қандай шахсга соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланиш, тиббий суғурта, тез тиббий ёрдам кўрсатиш, оилавий шифокорни танлаш, кексалар, болалар, аёллар ва аҳолининг бошқа заиф тоифаларига зарур хизматлар кўрсатишдан бош тортмаслик;

ҳар қандай шахсда тиббий экспериментларни уларни розилигисиз ўтказишга йўл қўйилмасликни таъминлайдилар.

**19-модда. Ижтимоий таъминот соҳасида тенг муомала қилиш ва камситмасликни таъминлаш**

Ҳар бир шахс кексалик, ишсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш, шунингдек, бола тарбияси, касаллик, ногиронлик, боқувчисини йўқотганлик ҳамда дафн этилганда ижтимоий таъминот соҳасидаги камситишлардан ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

Ижтимоий таъминот соҳасида камситиш ҳолатлари шахсларнинг суд тартибида берилган мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари бўйича белгиланади.

**20-модда. Товарлар ва хизмат кўрсатиш соҳасида тенг муомала қилиш ва камситмасликни таъминлаш**

Сотувчи, ишлаб чиқарувчи ёки хизмат кўрсатувчи барча истеъмолчиларнинг бир хил маҳсулот, товар, ижтимоий ва бошқа хизматларни олишлари учун бир хил шарт-шароитлар яратади, шу жумладан, транспортдан ва маданий-кўнгилочар хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқини, уй-жой олиш ҳуқуқи, бир хил ёки унга тенг сифатли маҳсулот, товар ҳамда хизматлар учун бир хил тўлов шартлари ва кафолатларини олишни таъминлайди.

Барча истеъмолчиларга маҳсулотлар, товарлар ва хизматлар тўғрисида маълумотлар тақдим этилади, уларнинг рекламаларида ушбу Қонунда назарда тутилган хусусиятлар асосида ҳуқуқларни камситиш, чеклаш ёки имтиёзлар берилмаслиги керак.

**21-модда. Уй-жой, ер участкаси ва мулк билан таъминлаш соҳасидаги камситишлардан ҳимоя қилиш**

Ипотека кредитлари, молиявий ёрдам, кўчар ва кўчмас мулкни сотиб олиш, сотиш ҳамда ижарага бериш, ер участкаларига бўлган ҳуқуқдан ғайриқонуний маҳрум этиш, ушбу Қонун билан тақиқланган асослар бўйича банк кредити ёки бошқа хизматларни тақдим этишни чеклаш ёки рад этиш тақиқланади.

**4-боб. Камситишдан ҳимояланиш тўғрисидаги мурожаатларни кўриб чиқиш**

**22-модда. Тенг муомала қилиш бўйича камситиш фактлари устидан шикоят қилиш**

Агар шахс ўзини тенг муомала қилиш бўйича камситилган деб ҳисобласа, ваколатли органларга ёки судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Бунда тенг муомала қилиш бўйича камситилган шахсдан давлат божи ундирилмайди.

Шахсларнинг тенг ҳуқуқлилиги бузилганлиги тўғрисидаги ишларни судларда кўриш

чоғида адвокатлар томонидан кўрсатиладиган юридик хизматларга ҳақ тўлаш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда, уларнинг хоҳишига кўра давлат ҳисобидан қопланади.

### **23-модда. Камситишдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги мурожаатларни бериш тартиби ва субъектлари**

Камситишдан ҳимояланиш ҳолатлари қуйидаги мурожаатлар асосида кўриб чиқилади:

камситишдан жабр кўрган шахслар;

уларнинг вакиллари;

давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари;

фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари орқали.

Мурожаатлар қоида тариқасида:

қуйи тузилмалар томонидан камситувчи ҳаракатлар содир этилганда, бўйсунув бўйича юқори турувчи давлат органига;

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилига (омбудсман);

Бола ҳуқуқлари бўйича вакилга;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилга;

камситишга қаратилган хатти-ҳаракатларни тўхтатиш, бузилган ҳуқуқларини тиклаш мажбуриятини юклаш талаби билан судга тақдим этилади.

### **24-модда. Камситишдан ҳимоя қилиш учун давлат органларига мурожаат қилиш тартиби**

Камситишдан ҳимояланиш учун давлат органларига мурожаатлар Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, ушбу Қонуннинг 23-моддасида белгиланган қоидаларни ҳисобга олган ҳолда берилади, кўриб чиқиши процессуал қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинган мурожаатлар бундан мустасно.

Жисмоний ва юридик шахслар ўз ходимларига нисбатан мурожаатда қўйилган масалаларини ҳал этиш ваколатига кирадиган давлат органларига ва мансабдор шахсларга яққа ёки жамоавий тартибда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган шаклларда мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

### **25-модда. Камситиш натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаш**

Шахс камситиш натижасида унга етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Моддий ва маънавий зарарни қоплаш тартиби процессуал қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади.

### **26-модда. Тенг муомала қилиш ва камситмаслик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш**



Тенг муомала қилиш ва камситмаслик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қонунчилик ҳужжатларида ваколат берилган давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан амалга оширилади.

#### **5-боб. Яқунловчи қоидалар**

##### **27-модда. Тенг муомала қилиш ва камситмаслик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Тенг муомала қилиш ва камситмаслик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

##### **28-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

##### **29-модда. Қонунчилик ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;

давлат бошқаруви органлари томонидан ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

##### **30-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. Мирзиёев**